

Ўзбек халки кўп минг йиллик тарихнинг муайян бир даврларида чет эл босқинчиларига карши олиб борган курашларида юз минглаб одамлари ва бойликларидан айрилди. Кўп шахар ва кишлоплар вайронага айлантирилди. Аммо халкимиз ўтмиш замонларда чоризм ва шўро давлатининг 130 йиллик хукмронлиги давридагидек киргин-барот, талон-тарож ва азоб-укубатларни бошидан кечирмаган эди. Босқинчилар ўлкани конга белаб, ўз хоҳиш ва режалариға монанд тарзда янги шахар ва касабаларни, темир йўллар ва саноат корхоналарини куриб, ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Юз минглаб одамларини кўчиритириб келиб, серунум ва обод ерларни эгалладилар. Олтин, газ, кўмир ва бошка хилма-хил табиий бойликларни ўзлаштириб турдилар. Айни маҳалда ўзбеклар Россияда юзага келган урушларнинг гирдобига хам тортилдилар. Хусусан, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари шулар жумласидандир.

ХХ аср ибтидосида нуфузли давлатлар ўртасида дунёни кайтадан таксимлаб, эгалик килиш максадида бошланган ўзаро кураш охир-окибатда 1914-17 йилларда кенг кулоч ёйган Биринчи жаҳон урушига олиб келганди. Унда 1,5 миллиард ахолини камраб олган 38 давлат катнашди. Улар бир-бирига душман икки гурухдан ташкил топганди: бир томонда Англия, Франсия ва Россия, иккинчи томонда эса Олмония, Австрия ва Венгрия бошчиликларида тузилган харбий иттифоклар.

Даставвал Европада аланга олган уруш сўнгроқ Узок ва Якин Шарқ, Африка, Атлантика, Тинч ва Хинд уммёнлари бўйлаб таркалди. Уруш харакатларида 1914 йили 480 дивизия катнашган бўлса, 1917 йилда у 889тага етди. Жанг майдонларида 10 милён киши халок бўлди, 20 милён киши дунёдан кўз юмди. Чор хукумати урушда кетма-кет маглубиятга учраб, ўн минглаб аскарлари ўлдирилди ва ярадор килинди. Урушнинг акс садоси Туркистан ўлкасини хам камраб, оғир сиёсий ва ижтимоий-иктисодий вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Чор хукумати уруш баҳонасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга зўр берди. Хусусан, ўлкадан фронтга ёрдам тарикасида 41 милён пуд пахта, 3 милён пуд пахта ёғи, 200 милён пуд совун, 70 минг бosh от, 1279 бosh туя, 300 минг пуд гўшт, 474 минг пуд балик, 270 арава, 1344 ўтов, кўп микдорда озик-овкат махсулотлари, курук мевалар Россияга олиб кетилди. Биргина 1915 йилда факат Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир милён бosh кўй жўнатилди. Окибатда ўлканинг ўзида озик-овкат, кийим-кечак, газлама ва курилиш ускуналарининг нархи жуда ошиб кетди. Масалан, газламалар нархи 300-400, кийим-кечаклар 200-300 фоизга кўтарилди. Фаргона водийсида илгари 15 сўм турадиган отнинг нархи 100-200, 5 сўмдан ошмайдиган кўйнинг нархи 30-35 сўмга чиқди. Турли солик ва йигинларнинг хажми хам кўтарилиб, меҳнаткаш омманинг ахволи ниҳоятда оғирлашди. Бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тишин кўшимча солик олиш жорий килинди. 1915 йил январидан бошлаб ахолига (харбий хизматни ўтамаганлари эвазига) даромадлардан кўшимча 21 фоиз солик солинди. Чор хукумати асирга тушган 150 минг кишини Туркистонга кўчириши хам иктисодий хаётнинг оғирлашишига олиб келди. Окибатда озик-овкат етишмовчилиги оркасида ўзбекларнинг тортаётган азобига азоб кўшилди. Болтиқбўйи, Полша ва бошка жойлардан кўчирилган 70.000 киши хам Туркистонга жойлаштирилди. Кўчириб келтирилганлар олмонлар, австрияликлар, венгерлар, поляклар, чехлар, латишлар, словаклар ва бошка миллатлардан ташкил топган эди. Хар томонлама таланган туб ахоли кулогигача карзга ботиб, хонавайрон бўлди. 1916 йилги маълумотга кўра, дехконларнинг бўйнидаги карзи ўз замонаси учун жуда катта маблаг — 156,7 милён

Муаллиф:
21.07.2014 07:11 -

сўмни ташкил этган. Ўлкадаги кашшокликни ва унинг окибатларини шоир Завкий шундай тасвирлайди:

Кахатчилик бўлди, бу Фаргонамизда
Топилмас парча нон вайронамизда.
Ўлим хавфи ўраб кишлокларни,
На кишлоку жибоз овлокларни.
Кирилди канча одамлар вабодан,
Нишона колмади меҳру вафодан.

Мана шундай чидаб бўлмас шароитда 1916 йил 25 июнда император Николай ІІнинг имзоси билан “Империядаги рус бўлмаган эркакларни харакатдаги кўшин худудидаги мудофаа иншоотлари ва харбий аюла йўлларини куриш ишларига, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган хар кандай юмушларига жалб килиш хакидаги” фармони эълон килинди. Унга кўра Туркистон генерал-губернаторлигидаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар Россияга жўнатилиши керак эди. Бу фармон туб ахоли орасида “мардикорликка олиш” ибораси билан кенг таркалди. Аслида у “ишчи батальони” маъносини билдиради. Сафарбар этиладиган одамларнинг сони эса куйидагича белгиланди:

Фаргона вилоятидан — 51.233 киши; Сирдарё вилоятидан — 60.000 киши; Самарканд вилоятидан — 32.407 киши; Еттисув вилоятидан — 43.000 киши; Каспий вилоятидан — 13.830 киши. Хаммаси — 200.470 киши.

Минглаб ишга ярокли кишиларнинг олиб кетилиши кўп оиласларнинг бокувчисиз колишларига олиб келди. Бир умр четга чикмаган одамларнинг узок ва совук жойларга юборилиши маҳаллий халк учун гайритабиий бир хол, даҳшатли фожеа эди. Хатто, хукумат мардикорлик нокобил кишиларни тўғри жанг майдонига олиб кетади, деган сўзлар халкни янада каттикрок ташвишга солди. Булардан ташкари сафарбар этиш — хосилни, хусусан пахтани териб олиш вактига тўғри келди. Шу боис уни амалга ошириш дехконларни даромаддан тамомила маҳрум килди. Улар эса мана шу пахта хисобига банк ва судхўрлардан олган карзларини узишга умид болгаган эдилар.

Ўн минглаб кишиларни тўплаш ва жўнатишга мутлако тайёргарлик кўрилмай, фармон тўсатдан пайдо бўлди. Халкнинг узок жойларга бориши учун моддий имконият мутлако йўқ эди. Буни кейинчалик Россия Харбий вазири ўринбосари А.П.Фролов хам тан олган эди: “Туб ахоли ва маъмурият бегона жойларга мардикорларни жўнатишга тайёр эмас эди, аммо шунга карамай бу ишга шошилинч равишда киришилиши катта тартибсизликни юзага келтириб, кон тўкилишига ва курол ишлатилишига сабаб бўлди”.

Император фармони мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм гирдобида эзилиб ётган халкнинг бош кўтаришига олиб келди. 1916 йил 4 июлда Самарканд вилоятига карашли Хўжанд шахрида оломон билан аскарлар ўртасида тўкнашув бўлиб, улардан бир нечтаси ўлдирилди. Шундан кейин вилоятнинг деярли барча туманларида халк кўзголонлари кўтарилиб, “мардикорликка бермаймиз”, “очмиз” ва “урушга бормаймиз”, деган азму карорга келдилар.

Кўзголон, айникса, Жиззах шахри ва уездига кизгин тус олган эди. Абдурахмон Абдужабборов, Назирхўжа, Мулла Махамат Райим, Шарифбойвачча Худойбердиев, Бобобек Абдужабборов ва бошкалар кўзголонга бошчилик килдилар. Кўзголон шиддатли ўтиб, тўкнашувларда чор маъмуриятининг вакиллари ва аскарлари

Муаллиф:

21.07.2014 07:11 -

ўлдирилди. Халк озодлиги учун кураш Жиззах уездининг 22 туманинг ёйилди. Бу кураш Сирдарё вилоятида хам кенг кулоч отди.

1916 йил 11 июлда Тошкент шаҳрида биринчи бўлиб ўзбек аёллари чоризм сиёсатига карши кўзголон кўтаришди. Уларга эркаклар хам кўшилиб, 2000-3000 кишилик оломон темир-терсак, тош ва кўлга илинган нарсалар билан куролланган холда Эски шаҳар полиция бошкармасига хужум килди. Ёрдамга етиб келган аскарлар билан тўкнашувда бир аёл ўлди, иккинчиси жарохатланди. Эркакларнинг орасида хам ўлган ва жарохатланганлар бор эди. Кўзголон вилоятнинг бошка жойларида хам кўтарилиди. Галаён Андижон, Маргилон, Наманган, Кўкон шаҳарлари ва атрофдаги кишлокларга кенг таркалиб, Маргилон шаҳрининг ўзида кўзголончилар сони 20-25 мингга етган. Бундай шиддатли харакатлар водийнинг деярли барча туманларида кечиб, уларда аёллар хам катнашдилар. Хуллас, озодлик кураши ўн мингларча кишини жалб этди. Шуни айтиш лозимки, бу курашларда туб ахоли билан бирга тоҷик, козок, кирғиз ва туркманлар катнашиб, бирдамлик намуналарини намоён килдилар. Бу ҳақда хозирги Тожикистон, Козогистон, Кирғизистон, Туркманистон худудларида кўтарилиган халк кўзголонлари гувоҳлик беради.

Гоят кенг ўйилган 1916 йилги кўзголонларни бостириш учун чор хукумати 14 батальон, 33 казак харбий бўлими, 42 артеллерия ва 69 пулемёт жалб килгани маълум. Зобит ва аскарлардан 97 киши ўлдирилиб, 86 киши яраланди ва 76 киши эса дараксиз йўколди. Шаҳар ва кишлоклар вайронага айлантирилди. Айникса, Жиззах шаҳри остин-устун килиниб, ҳаробага юз тутган эди. Бу фожеа халк оғзаки ижодида хам ўз аксини топган:

Тахта кўприк битдими?

Николай пошоҳ ўтдими?

Жиззах шаҳрини вайрон

Килиб муродига етдими?

Ош кади, палов кади

Томга чикиб дод айлади.

Намозгоҳни аскар босиб,

Жиззахни вайрон айлади.

Фаол кўзголончиларнинг мол-мулки мусодара килинди. Масалан, Жиззахда 2000 гектар унумли ер давлат фойдасига тортиб олинди.

Кўзголончилардан 3000 дан ортик киши терговга тортилиб, шафкатсизларча муносабатда бўлинди. Хибсга олинганлар орасида аёллар хам бор эди. Махбусларнинг аянчли ахволи хакида рус аёли Коршунова шундай ёзади: “Тошкент камокхонаси ховлисида очликдан ўлган фаргоналикларнинг мурдаларини кўплаб араваларга солиб кўйилганлигини кўрдим. Сўнгра махбуслар жойлаштирилган камокхона ертўласига тушдик. Бу ерда одамлар калашиб ётганидан оёқ босишга хам жой топиш кийин эди. Бизни эркак ва аёлларнинг кир босган орик ва заъфарон юзлари, кўркув ва шу билан бирга нафрат билан бокувчи кўзлари хаяжонга солди. Ёши улгайган бир аёл менинг оёғимдан тутиб, ёш ва гамга тўлган кора кўзлари билан бокканча, нималарнидир гапирди. Бирок мен тил билмаганлигим боис унинг хўнграб йиглаган холда айтган сўзларини тушунмадим. Мен эски чопонидан бир тутам паҳтани юлиб олиб чайнаётган бир новча кишини кўрдим. Одамлардан баъзилари эса кўлларини кемираётган эди. Махбуслар орасида кўпчилигининг нафас олиши сезилмас, афтидан улар жон бериш

Муаллиф:

21.07.2014 07:11 -

арафасида эдилар. Махбуслар орасида эс-хушларини йўкотиб кўйганлар хам бор эди". Мазкур сатрларни кўз ёшларисиз ўкиб бўлмайди, албатта. Мустамлакачилар шунчалик ёвуз бўлишганки, хатто эркак ва аёлларни бир хонага камаб кўйишгacha борганлар. Бундай фожеа хеч каерда хеч качон содир бўлган эмас. Кўзголон катнашчиларидан 347 киши осиб ўлдиришга, бир неча юз киши узок муддатли камок ва сургунга хукм килинди. Шу тариқа кўзголон шафкатсизларча бостирилди. Чор маъмурияти императорнинг мардикорликка олиш хакидаги фармонини бажаришга киришди. Эндиликда оммавий равишда жазолаш ва ўлдиришлар, очлик таъкиблардан тинкаси куриган ва толиккан халкнинг фармоннинг амалга оширилишига каршилик кўрсатишга холи колмаганди. Шунга карамай мардикорликка олиш жуда кийинчилик билан кечди. Белгиланган 200.470 киши ўрнига 120 мингдан ортик одам сафарбар этилди. Улардан 101600 киши Россиянинг Европа кисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жойлаштирилди. 10 мингдан зиёд киши Туркистон ўлкасида ишлатилди. Мардикорларнинг аник ўрнашган жойлари куйидагича бўлган: Москва, Петербург, Рязан, Тула, Орел, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинок, Нижний Новгород, Козон, Самара, Перм, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харков, Екатеринслав, Одесса, Запарожье, Керч, Тбилиси, Ботуми ва бошкалар. Усти юпун мардикорлар харбий ва оддий саноат корхоналарида, конларда, темир йўл курилишларида, ўрмонларда ва айрим нуфузли кишиларнинг хўжаликларида ишлатилди. Улар очлик, хўрлик ва машаккатли меҳнатдан кўп азоб-укубатларни бошларидан кечирдилар. Кўпчилик силласи куриб касалланди ва хаёт билан видолашди. Бундайин зулм оғзаки ижодида хам ўз тажассумини топган:

Поезднинг гилдираги,
Ўтхонаси билан дўнгалаги,
Двинскага кетишди.
Мард йигитнинг бир бўллаги,
Двинскага кетмас эди.
Двинскага кетгазган,
Николай золимнинг замбараги.
Двинскага йўл бўлсин,
Карагайзоринг кул бўлсин.
Йигитларни кийнаган,
Николайинг йўк бўлсин.
Сўк ошингни ичмайман,
Этигимни ечмайман,
Корда карагай кесганман,
Хеч хакимдан кечмайман.

Куч ва холдан тойган мардикорлар 1917 йилда чор хукумати агдарилгандан кейин ватанига кайтгандилар.

Шундай килиб, Биринчи жаҳон уруши вактида ўзбек халки аёвсиз таланди ва эзилди. Мардикорликка олинган одамларнинг талай кисмидан, бехисоб бойликларидан айрилди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 19-сонидан олинди

Биринчи жаҳон уруши ва ўзбеклар

Муаллиф:

21.07.2014 07:11 -
